

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВА ФЕРУЗА ИКРОМОВНА

**КИМЁВИЙ САНОАТ ИШЧИЛАРИДА СТОМАТОЛОГИК
КАСАЛЛИКЛАРИНИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ
БЎЙИЧА КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ибрагимова Феруза Икромовна

Кимёвий саноат ишчиларида стоматологик касалликларини профилактикаси
ва башорат қилиш бўйича концептуал ёндашув3

Ибрагимова Феруза Икромовна

Концептуальный подход к профилактике и прогнозированию
стоматологических заболеваний у работников химической
промышленности27

Ibragimova Feruza Ikromovna

A conceptual approach to the prevention and prediction of dental diseases in
chemical industry workers51

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works57

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.05.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВА ФЕРУЗА ИКРОМОВНА

**КИМЁВИЙ САНОАТ ИШЧИЛАРИДА СТОМАТОЛОГИК
КАСАЛЛИКЛАРИНИ ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ
БЎЙИЧА КОНЦЕПТУАЛ ЁНДАШУВ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2026

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Маълумки, стоматологик касалликлар тиббий-ижтимоий муаммолар ҳосил қилиб, бутун жаҳон аҳолиси орасида кенг тарқалиш билан бирга, турли корхоналар ишчилари орасида ҳам кўп учрайди, шу сабаб иқтисодий муаммолар ҳам қўшимча бўлади. Тишлар, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва нокариоз зарарланишлар тарқалганлиги билан нефт-газ, металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат ҳамда кимёвий соҳалар билан ўзаро боғлиқлиги исботланган. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига мувофиқ, «...стоматологик касалликлар Ер қуррасининг энг кўп тарқалган касалликларидан бири бўлиб қолмоқда, 3,5 млрд. га яқин одам кариес ва милк касалликлари каби турли стоматологик муаммолардан азият чекмоқда, хусусан, 60-90% ўқувчилар ва 100% катталарда кариес аломатлари кузатилади...»¹. Саноат ишчилари орасида касбий касалликлар юқори хавфининг мавжудлиги элементлар бирикмаларининг оғиз бўшлиғи орқали инсон танасига кириши, оғиз шиллиқ қавати эпителийси яхлитлигининг бузилиши билан боғлиқ. Шу туфайли ишчиларда стоматологик касалликларининг олдини олиш катта аҳамиятга эга бўлади ва кимё саноатида фаолият олиб бораётган ишчиларда ушбу касалликнинг олдини олиш ва башорат қилишда концептуал ёндашувни ишлаб чиқиш замонавий тиббиёт учун долзарб ва зарурий ҳисобланади.

Дунё миқёсида турли ёшдаги аҳоли ўртасида стоматологик касалликларни эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олиш бўйича турли тадқиқотлар ўтказилган, бундан ташқари, бу касалликларни аниқлаш ва даволашнинг замонавий услублари ишлаб чиқилган. Саноатда кимёвий омилларнинг ишчилар оғиз бўшлиғига таъсири ва бу таъсирларнинг оқибатлари аниқланган. Саноат корхоналари ишчилари тиш кариеси ва пародонт яллиғланиш касалликлари юқори тарқалиши билан ажралиб туради. Ишлаб чиқариш муҳитининг кимёвий моддалари оғиз суюқлиги, тишларнинг қаттиқ тўқималари, тиш тошлари, тўқима тузилмаларининг биопатларида аниқланади. Улар тиш кариеси кечишини гидроксиапатит кристалларида калций ионларининг ўрнини босиши, пародонт тўқималарида сурункали яллиғланиш туфайли оғирлаштирган, буни инобатга олган ҳолда, мазкур касалликлар бўйича стоматологик, клиник-функционал ва микробиологик тадқиқотларни давом эттириш зарурати ўз дозарблигини йўқотмаган.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий ёрдамнинг сифатини тубдан ошириш, бирламчи тиббий-санитар ёрдам тизимини жаҳон стандартларига мувофиқ ҳолатга келтириш бўйича мажмуавий дастурлар ва мақсадли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунини айтиш керакки, соғлиқни сақлаш тизимида мақсадга йўналтирилган чораларга қарамай, ечимини кутаётган, жумладан стоматологияда ҳам бир қатор муаммолар мавжуд. Шу муносабат билан,

¹ World health organization. Oral health surveys basic methods. - 5th ed. - WHO Geneva, 2019. - 125 p. Available from: www.who.int/oral_health/publications/9789241548649/en

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясида белгиланган устувор йўналишларидаги «...соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар, дастурларни амалга ошириш...»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалар турли соҳалардаги ишчилар ўртасида стоматологик патологияларнинг олдини олиш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишларини белгилаган.

Мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон “Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори ҳамда шу соҳада қабул қилинган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларга хизмат қилган.

Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига VI. “Тиббиёт ва фармакология” мувофиқ амалга оширилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Етакчи илмий марказлар ва олий ўқув юртлари аҳоли ўртасида, жумладан, турли соҳа ходимлари ўртасида стоматологик касалликлар шаклланиши ва ривожланиши муаммосини ўрганмоқда, хусусан, Institute of Medical Microbiology and Hospital Epidemiology, Hannover Medical School (Germany); Tokyo University Institute of Medical Mycology (Japan); MRC Centre for Molecular Bacteriology and Infection, Imperial College London (United Kingdom); Instituto de Salud Carlos III (Spain); Microbiology Section, Department of Experimental Medicine, University of Perugia (Italy); Department of General Surgery, the Affiliated Hospital of Medical College, Qingdao University (China); Discipline of Microbiology, National University of Ireland (Ireland); Department of Microbiology and Immunology, University of California (USA); Department of Gastroenterology, Skane University Hospital, University of Lund (Sweden); Сеченов И.М. номидаги Москва тиббиёт академияси (РФ).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Фармони

³ <https://www.osteomyelitiscenter.com>; <https://www.oatext.com>; <https://wexnermedical.osu.edu>; <https://www.SeattleScienceFoundation.org>; <https://journals.plos.org>; wexnermedical.osu.edu (<https://wexnermedical.osu.edu>); <https://www.uthscsa.edu>; <https://www.ouh.nhs.uk>; <https://www.ncbi.nlm.nih.gov>; <https://www.escmid.org>

Турли соҳаларнинг турли саноат хавфлари таъсири остида оғиз бўшлиғи аъзоларидаги ўзгаришларнинг клиник ва экспериментал хусусиятлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш натижасида илмий натижаларга эришилган (Department of General Surgery, the Affiliated Hospital of Medical College, Qingdao University, China); ушбу патологияни даволашнинг тегишли замонавий усулларининг таъсири кўрсатилган (Department of Microbiology and Immunology, University of California, USA); ишчиларда ушбу касалликларнинг асоратларини олдини олиш бўйича профилактика чоралари баҳоланган (Discipline of Microbiology, National University of Ireland, Ireland), профилактик усулларнинг ишлаш муддатларига мос ҳолда стоматологик касалликларини камайтиришга таъсири исботланган (Microbiology Section, Department of Experimental Medicine, University of Perugia, Italy; Instituto de Salud Carlos III, Spain), текширилаётган оғиз бўшлиғи аъзо ва тўқималарига саноат хавфини ўрганиш учун экспериментал моделларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган (Сеченов И.М. номидаги Москва тиббиёт академияси, РФ).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида турли корхоналардаги ишлаб чиқаришда кузатиладиган зарарлар туфайли юзага келган стоматологик патологиялар ривожланишининг клиник-патогенетик, иммун-микробиологик жиҳатларини ўрганиш, ташхислаш ва замонавий услублар ёрдамида даволаш бўйича кўп сонли тадқиқотлар ўтказилмоқда. Бироқ кимё саноатида фаолият олиб бораётган ишчилар орасида стоматологик патологияни олдини олиш, мазкур патологияни олдини олишга янгича концептуал ёндашув ишланмасига эса эътибор кўп берилмаган, шу туфайли, илмий-тадқиқот ишлари назарий ва амалий тиббиётнинг бу йўналиши долзарб бўлиб қолмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат корхоналарининг стоматологик саломатлиги жамоат соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим жиҳати ҳисобланади, негаки у ҳаёт сифати ва меҳнат унумдорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Оғиз бўшлиғи касалликлари олдини олиш ва даволаш учун комплекс ёндашувни талаб қиладиган кенг тарқалган муаммодир (Зырянов Б.Н. ва ҳаммуал., 2020; Олимов С.Ш. ва ҳаммуал., 2022).

Тадқиқотлар кўрсатишича, иқтисодиёти юқори ривожланган мамлакатларда стоматологик саломатлик даражаси профилактика хизматлари ва мунтазам стоматологик кўриклар оммабоплиги туфайли юқори бўлиши қайд этилган. Мисол тариқасида, Евроиттифоқ мамлакатларида кариеснинг катта ёшдаги аҳоли ўртасида тарқалганлик даражаси 30-40% ни ташкил қилади (Krause et al., 2020). Бу маълумотлар соғлиқни сақлаш тизими стоматологик ёрдамнинг оммабоплигини таъминлаган ҳолда, аҳоли саломатлик ҳолатининг яхшиланишига ёрдам берган.

Ўзбекистонда ишчилар стоматологик саломатлиги ҳам жиддий хавотирларни кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ахборотиغا кўра, катта ёшга етган аҳолини 70% и стоматологик касалликлардан азият чекади, бундан 40% ида милк касалликлари қайд этилган (Uzbekistan Health Ministry, 2021). Тадқиқот натижаларига кўра,

саноат корхоналарида фаолият олиб бораётган ишчиларнинг фақатгина 20% и стоматолог қабулига мунтазам борган, бу профилактиканинг паст даражаси ва тишларни парваришлаш муҳимлигига етарлича эътибор бермасликни кўрсатган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтини илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида (01.2021.DSc.085) “COVID-19 билан касалланганидан кейинги даврда Бухоро вилояти аҳолисининг соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй)” мавзусида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади кимё саноати ишчиларида стоматологик патологиянинг олдини олишга концептуал ёндашув асосида фаол профилактикани ишлаб чиқиш ва стоматологик касалликларини башорат қилишни яхшилашдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти экспертлари томонидан тавсия этилган умумий методология асосида кимё саноати ишчилари стоматологик саломатлигини аниқлаш ва баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш;

кимё саноати ишчиларининг стоматологик ҳолатини улар иш стажига боғлиқ ҳолда аниқлаш;

кимё саноатида ишлайдиган ишчиларда хавф омилларининг оғиз бўшлиғи қаттиқ ва юмшоқ тўқималарига салбий таъсирини аниқлаш;

кимё саноатининг ишлаб чиқаришдаги зарарли омиллари билан алоқада бўлмаган ишчилар оғиз бўшлиғи ҳолатини баҳолаш ва ишчиларда стоматологик касалликлар даражаси аниқлаш;

кимё саноати ишчиларида стоматологик касалликлар бирламчи ва иккиламчи профилактикасига концептуал жиҳатдан янги ёндашувни ишлаб чиқиш;

ишчилар оғиз бўшлиғи патология олди ва патологик ҳолатларининг олдини олиш, фаол бирламчи профилактикага концептуал ёндашувни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Навоиазот» АЖ кимё саноатида фаолият олиб бораётган 19 ёшдан 55 ёшгача бўлган ва фаолият давомида ишлаб чиқаришдаги зарарли моддалар билан бевосита алоқада бўлган ва бўлмаган 2490 нафар ишчи бўлган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўлак, оғиз бўшлиғи шиллик қаватини юмшоқ тўқималари ва тиш юзасидан олинган суртмалар, қон, ишчиларнинг даврий тиббий кўриги бўйича тиббий ҳужжатлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш ва мақсадга эришиш учун стоматологик, клиник ва функционал, экологогигиеник, тиббий-ижтимоий ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кимё саноати ишчиларига стоматологик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий, тиббий-ижтимоий ва иқтисодий масалаларини ҳал этиш, шунингдек,

“стоматолог-ходим” муносабатларининг ҳуқуқий асосини яратиш имконини берадиган янги “ходим-стоматолог-раҳбар” тизими таклиф этилиб, тиббий-диагностик стоматологик ёрдамни такомиллаштириш ва бирлаштириш, ходимлар ўртасида бирламчи стоматологик профилактика тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш учун стоматологик ёрдам кўрсатиш жараёнини кимё саноати раҳбари назорат қилиш қоидалари ишлаб чиқилган;

кимё саноати ишчиларида стоматологик касбий ва меҳнат билан боғлиқ касалликларнинг бирламчи профилактикасининг 5 та асосий тамойиллари, жумладан, фаол бирламчи профилактика, ишчиларнинг соғлигини сақлаш ва асраш, фаол профилактикага ходимларнинг онгли муносабати, мақбул иш жойини яратиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш тамойиллари ҳар бир ишчи даражасида қўлланиши тизимлаштириш орқали такомиллаштирилган;

кимё саноати ишчиларида стоматологик касбий ва ишлаб чиқариш касалликларининг бирламчи профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширишда қўллаш учун 7 та қарши кўрсатма ишлаб чиқилган бўлиб, улар профилактика чоралари кенг ҳажмли, қиммат, зерикарли, самарасиз, кўп элементли бўлмаслиги, кўп вақт талаб қилмаслиги ва пилот лойиҳаси сифатида синовдан ўтказилиши кераклиги исботланган;

кимё саноати ишчиларининг соғлигини сақлаш ва асраш, “стоматолог-ходим-раҳбар” тизимини бошқариш ва кимё саноати ишчиларида стоматологик патологиясининг фаол бирламчи профилактикасига психологик, ижтимоий ва иқтисодий концептуал ёндашув ишлаб чиқилган;

стоматологик патологиясининг фаол бирламчи профилактикасига концептуал ёндашувни ҳисобга олган ҳолда, кимё саноати ишчилари орасида стоматологик патологиясининг фаол бирламчи профилактикаси самарадорлигини баҳолаш стоматологик, айнан тиш қаттиқ тўқимаси, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва парадонт касалликларини олдин олиш схемалари ишлаб чиқилган ва уларнинг юқори самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда мужассам:

кимё саноатида стоматологик ёрдам кўрсатиш бўйича таклиф қилинган қоидалар “ходим-стоматолог-раҳбар” тизимига асос солган, бу ерда тиббий-диагностика, профилактика чоралари, уларга асосланган хулосалар ходимлар, маъмурият орасидаги ишлаб чиқариш, ҳуқуқий низолар, меҳнат унумдорлигига салбий таъсир қилувчи, касбий касалликлар шаклланиши ва ривожланишига туртки бўлган низолар эҳтимолини камайтиришга имкон берган;

стоматологик саломатлиги ва ҳаёт сифати ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш учун “физиологик боғлиқлик” ва “патологик боғлиқлик” атамалари киритилган, бу ерда “физиологик боғлиқлик” стоматологик саломатликнинг юқори даражасини назарда тутган, тадқиқотда иштирок этаётган ишчиларда ҳаёт сифати тиббий, ижтимоий ва шахсий муаммоларни келтириб чиқармаган. Ушбу корхона ишчилари стоматологик патологиясининг фаол бирламчи профилактикаси бўйича материаллар асосида кимё корхонаси, цехлар миқёсида ва шахсий профилактика бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги рационал назарий ёндашувлар ва услублар қўлланилиши, ўтказилган тадқиқотнинг услубий ишончлилиги, танланган контингентнинг етарли миқдори, тадқиқотда бир бирини тўлдирувчи стоматологик, клиник-функционал, гигиеник ва статистик услублар қўлланилиши, олинган материалнинг статистик ишланмаси, олинган натижаларнинг маҳаллий ва ҳорижий тадқиқотчилар маълумотлари билан солиштиришда ишончлилиги, келтирилган ҳулосаларнинг ваколотли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Барча ҳулосалар ва амалий тавсиялар асосли ва мантиқий натижалардан келиб чиққан ва ишончли ҳисобланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, кимё саноати ишчиларига стоматологик ёрдам кўрсатиш қоидалари ишлаб чиқилганлиги, бу тиббий-диагностик стоматологик ёрдамни оптималлаштириш ва бирлаштириш, ходимлар ўртасида бирламчи стоматологик профилактика тадбирларини мақбул ташкил этиш ва амалга ошириш имконини берганлиги, “стоматолог-ходим-рахбар” тизимини бошқариш киритилганлиги, кимё ишлаб чиқариш ишчилари орасида стоматологик патологияларнинг фаол бирламчи профилактикаси ишлаб чиқилганлиги, стоматологик патологиялар фаол бирламчи профилактикасига концептуал ёндашувни ҳисобга олган ҳолда кимё ишлаб чиқариш ишчилари ўртасида стоматологик патология фаол бирламчи профилактикаси самарадорлигини баҳолаш схемалари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ушбу кимё ишлаб чиқариш ишчилари стоматологик патологиялари шикоятларини тавсифлаш учун 5 та асосий йўналиш таклиф этилганлиги, амалий стоматология учун субъектив ҳиссиётларга асосланган респондентларнинг ўзлари томонидан тўлдирилган стоматологик оғриғининг частотасини аниқлашга қаратилган жадвал тавсия этилганлиги, кимё саноати ишчиларига стоматологик ёрдам кўрсатиш қоидалари “ходим-стоматолог-рахбар” тизимига асос солганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий - тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи бўйича 2026 йил 12 январдаги 01/22 - сон ҳулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: кимё саноати ишчиларига стоматологик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий, тиббий-ижтимоий ва иқтисодий масалаларини ҳал этиш, шунингдек, “стоматолог-ходим” муносабатларининг ҳуқуқий асосини яратиш имконини берадиган янги “ходим-стоматолог-рахбар” тизими таклиф этилиб, тиббий-диагностик стоматологик ёрдамни такомиллаштириш ва бирлаштириш, ходимлар ўртасида бирламчи стоматологик профилактика тадбирларини ташкил этиш ва амалга ошириш учун стоматологик ёрдам кўрсатиш жараёнини кимё саноати раҳбари назорат қилиш қоидалари ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий - амалий маълумотлар Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича

буйруқ (20.09.2024 йилдаги 47-S-сон) ҳамда Сурхандарё вилоят болалар стоматология поликлиникаси (катталар бўлими билан) бўйича буйруқ (26.09.2025 йилдаги 37-T-сон) клиник амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ишчиларнинг клиник ҳолати, жисмоний юқларналарга чидамлилиги ва ҳаёт сифати кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиб, тавсия этилаётган даволаш-профилактика усули ижтимоий аҳамиятини оширган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* иқтисодий самарадорликга асоратларнинг олдини олиш, стационар даво муддати камайиши (стоматологик касалликларни 1 кунлик стационар даво нархи 86.100 сўм), сарфланадиган маблағларни тежалиши (даволаш 4 кунга қисқариш натижасида 344.400 сўм тежалишади) ва меҳнатга лаёқатсизлик кунларини 10 кундан 6 кунга қисқарлиши ҳисобига эришилди. *Хулоса:* олинган маълумотларга асосланиб, кимёвий саноат ишчиларида стоматологик даволовчи-профилактик комплекс алгоритмининг татбиқ қилиниши, ишчиларда стоматологик саломатлик даражасини кўтариш имконини бериб, ушбу касалликлар натижасида ҳосил бўладиган асоратлар олди олиниши ҳамда ишчиларининг ҳаёт сифатини яхшиланишига эришишга хизмат қилган;

иккинчи илмий янгилик: кимё саноати ишчиларида стоматологик касбий ва меҳнат билан боғлиқ касалликларнинг бирламчи профилактикасининг 5 та асосий тамойиллари, жумладан, фаол бирламчи профилактика, ишчиларнинг соғлигини сақлаш ва асраш, фаол профилактикага ходимларнинг онгли муносабати, мақбул иш жойини яратиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш тамойиллари ҳар бир ишчи даражасида қўлланиши тизимлаштириш орқали такомиллаштирилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий - амалий маълумотлар Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (20.09.2024 йилдаги 47-S-сон) ҳамда Сурхандарё вилоят болалар стоматология поликлиникаси (катталар бўлими билан) бўйича буйруқ (26.09.2025 йилдаги 37-T-сон) клиник амалиётига жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ишчиларнинг клиник ҳолати, жисмоний юқларналарга чидамлилиги ва ҳаёт сифати кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиб, тавсия этилаётган даволовчи-профилактик усули ижтимоий аҳамиятни оширган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* иқтисодий самарадорликга асоратларнинг олдини олиш, стационар даво муддати камайиши (стоматологик касалликларни 1 кунлик стационар даво нархи 86.100 сўм), сарфланадиган маблағларни тежалиши (даволаш 4 кунга қисқариш натижасида 344.400 сўм тежалишади) ва меҳнатга лаёқатсизлик кунларини 10 кундан 6 кунга қисқарлиши ҳисобига эришилди. *Хулоса:* олинган маълумотларга асосланиб, кимёвий саноат ишчиларида стоматологик даволовчи-профилактик комплекс алгоритмининг татбиқ қилиниши, ишчиларда стоматологик саломатлик даражасини кўтариш имконини бериб, ушбу касалликлар натижасида ҳосил бўладиган асоратларнинг олди олиниши ҳамда ишчиларининг ҳаёт сифатини

яхшиланишига эришишга хизмат қилади;

учинчи илмий янгилик: кимё саноати ишчиларида стоматологик касбий ва ишлаб чиқариш касалликларининг бирламчи профилактикаси чоратадбирларини амалга оширишда қўллаш учун 7 та қарши кўрсатма ишлаб чиқилган бўлиб, улар профилактика чоралари кенг ҳажмли, қиммат, зерикарли, самарасиз, кўп элементли бўлмаслиги, кўп вақт талаб қилмаслиги ва пилот лойиҳаси сифатида синовдан ўтказилиши кераклиги исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий - амалий маълумотлар Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (20.09.2024 йилдаги 47-S-сон) ҳамда Сурхандарё вилоят болалар стоматология поликлиникаси (катталар бўлими билан) бўйича буйруқ (26.09.2025 йилдаги 37-T-сон) клиник амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* ишчиларнинг клиник ҳолати, жисмоний юкларналарга чидамлилиги ва ҳаёт сифати кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиб, тавсия этилаётган даволаш-профилактика усули ижтимоий аҳамиятни оширган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* иқтисодий самарадорликга асоратларнинг олдини олиш, стационар даво муддати камайиши (стоматологик касалликларни 1 кунлик стационар даво нархи 86.100 сўм), сарфланадиган маблағларни тежалиши (даволаш 4 кунга қисқариш натижасида 344.400 сўм тежалишади) ва меҳнатга лаёқатсизлик кунларини 10 кундан 6 кунга қисқартириши ҳисобига эришилди. *Хулоса:* олинган маълумотларга асосланиб, кимёвий саноат ишчиларида стоматологик даволовчи-профилактик комплекс алгоритмининг татбиқ қилиниши, ишчиларда стоматологик саломатлик даражасини кўтариш имконини бериб, ушбу касалликлар натижасида ҳосил бўладиган асоратларнинг олди олиниши ҳамда ишчиларининг ҳаёт сифатини яхшиланишига эришишга хизмат қилган;

тўртинчи илмий янгилик: кимё саноати ишчиларининг соғлиғини сақлаш ва асраш, “стоматолог-ходим-раҳбар” тизимини бошқариш ва кимё саноати ишчиларида стоматологик патологиясининг фаол бирламчи профилактикасига психологик, ижтимоий ва иқтисодий концептуал ёндашув ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий - амалий маълумотлар Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (20.09.2024 йилдаги 47-S-сон) ҳамда Сурхандарё вилоят болалар стоматология поликлиникаси (катталар бўлими билан) бўйича буйруқ (26.09.2025 йилдаги 37-T-сон) клиник амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* ишчиларнинг клиник ҳолати, жисмоний юкларналарга чидамлилиги ва ҳаёт сифати кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиб, тавсия этилаётган даволаш-профилактик усули ижтимоий аҳамиятни оширган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қўйидагилардан иборат:* иқтисодий самарадорликга асоратларнинг олдини олиш, стационар даво муддати камайиши (стоматологик касалликларни 1 кунлик стационар даво нархи 86.100 сўм), сарфланадиган маблағларни тежалиши (даволаш 4 кунга

қисқариш натижасида 344.400 сўм тежалишади) ва меҳнатга лаёқатсизлик кунларини 10 кундан 6 кунга қисқарлиши ҳисобига эришилди. *Хулоса:* олинган маълумотларга асосланиб, кимёвий саноат ишчиларида стоматологик даволовчи-профилактик комплекс алгоритмининг татбиқ қилиниши, ишчиларда стоматологик саломатлик даражасини кўтариш имконини бериб, ушбу касалликлар натижасида ҳосил бўладиган асоратларнинг олди олиниши ҳамда ишчиларининг ҳаёт сифатини яхшиланишига эришишга хизмат қилган;

бешинчи илмий янгилик: стоматологик патологиясининг фаол бирламчи профилактикасига концептуал ёндашувни ҳисобга олган ҳолда, кимё саноати ишчилари орасида стоматологик патологиясининг фаол бирламчи профилактикаси самарадорлигини баҳолаш стоматологик, айнан тиш қаттиқ тўқимаси, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ва парадонт касалликларини олдин олиш схемалари ишлаб чиқилган ва уларнинг юқори самарадорлиги исботланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* олинган илмий - амалий маълумотлар Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича буйруқ (20.09.2024 йилдаги 47-S-сон) ҳамда Сурхандарё вилоят болалар стоматология поликлиникаси (катталар бўлими билан) бўйича буйруқ (26.09.2025 йилдаги 37-T-сон) клиник амалиётга жорий этилди. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* ишчиларнинг клиник ҳолати, жисмоний юқларналарга чидамлилиги ва ҳаёт сифати кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатиб, тавсия этилаётган даволовчи-профилактик усули ижтимоий аҳамиятни оширган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат:* иқтисодий самарадорликга асоратларнинг олдини олиш, стационар даво муддати камайиши (стоматологик касалликларни 1 кунлик стационар даво нархи 86.100 сўм), сарфланадиган маблағларни тежалиши (даволаш 4 кунга қисқариш натижасида 344.400 сўм тежалишади) ва меҳнатга лаёқатсизлик кунларини 10 кундан 6 кунга қисқарлиши ҳисобига эришилди. *Хулоса:* олинган маълумотларга асосланиб, кимёвий саноат ишчиларида стоматологик даволовчи-профилактик комплекс алгоритмининг татбиқ қилиниши, ишчиларда стоматологик саломатлик даражасини кўтариш имконини бериб, ушбу касалликлар натижасида ҳосил бўладиган асоратларнинг олди олиниши ҳамда ишчиларининг ҳаёт сифатини яхшиланишига эришишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманларда, шу жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида тақдим этилган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича умумий 32 илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 12 журнал мақолалари диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 9 республика ва 3 хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертация ҳажми 181 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, унинг мақсад ва вазифалари аниқ кўрсатилган, объекти ва предмети баён этилган, диссертация ишининг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги ва амалий натижалари батафсил баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, натижаларнинг соғлиқни сақлаш тизимининг амалиётига жорий қилиниши баён этилган, илмий натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертация тузилмаси ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган.

Диссертациянинг **“Кимё саноати ходимларининг стоматологик саломатлиги ва профилактика самарадорлигини ошириш йўллари: адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи боби танланган мавзу бўйича илмий манбалар шарҳига бағишланган. Унда кимё саноати ишчиларини стоматологик саломатлиги ва профилактика самарадорлигини ошириш йўллари, стоматологик касалликларнинг иш жойи ишлаб чиқариш зарарлари билан боғлиқлиги, организм бошқа патологиялари билан биргаликда келганда стоматологик касалликларни даволаш ва профилактика хусусиятлари батафсил тавсифланган.

Диссертациянинг **“Кимё саноати ишчилари ўртасида стоматологик касалликларини ўрганишда дизайн, материал ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материали ва услублари баён этилган.

Тадқиқотга Навоий шаҳрида жойлашган “Навоиазот” АЖ ишчилари жалб этилган. Умумий ҳисобда 19 дан 55 ёшгача бўлган 2490 нафар ишчи қатнашган, улардан 1390 (55,8%) нафари асосий гуруҳга киритилган, 1100 (44,2%) нафари эса назорат гуруҳига киритилган. Ва яна 1229 (49,37±1,87%) қишлоқ шароитида яшаганлар, 1261 (50,63±1,87%) эса шаҳар фуқаролари бўлган. Сўровда қатнашганларнинг барчаси (n=2490) иш стажи бўйича қуйидагича тақсимланган: 5 йилгача - 463 (18,60±1,46%), 5-10 йил - 508 (20,42±1,51%) ишчи; 10-20 оралиғида - 958 (38,46±1,82%) нафар ишчи, 20 йил ва ундан зиёд - 561 (22,52±1,56) ишчи бўлган (1-жадвал).

1-жадвал

“Навоиазот” АЖ ишчиларининг иш стажи бўйича тақсимланиши (n=2490)

№	Стаж	Ишчилар сони	%
1.	5 йилгача	463	18,60±1,46
2.	5-10 йилгача	508	20,42±1,51
3.	10-20 йилгача	958	38,46±1,82
4.	20 йил ва ундан зиёд	561	22,52±1,56
5.	Умумий сони	2490	100

Стоматологик ва тиббий-ижтимоий тадқиқотларда иштирок этаётган

“Навоиазот” АЖ ишчиларини стоматологик статусини ўрганиш мақсадида, ишчилар тиббий варақалари ўрганилган, анъанавий тарзда стоматологик кўрик амалга оширилган. Стоматологик кўриқда тишлар ҳолати, оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати қиёсий баҳоланган, барча олинган натижалар тадқиқот учун махсус ишланган картотекага киритилган.


Олинган материалларни статистик қайта ишлаш Excel дастуридан фойдаланган ҳолда вариацион статистиканинг анъанавий усуллари ёрдамида амалга оширилган, фарқларнинг ишончилиги Фишер-Стьюдент мезони билан белгиланган.

Диссертациянинг “**Кимё саноати ишчилари ўртасида стоматологик касалликларини ўрганиш натижаларини таҳлил қилиш**” деб номланган учинчи боби кимё саноати ишчилари орасида стоматологик касалликларни ўрганиш натижаларини таҳлил қилишга бағишланган.

Текширилаётган шахсларнинг шикоятларини тавсифлаш учун ўрганилаётган корхона ходимларида стоматологик соғлиғини ўрганишда патологик жараённинг хусусиятлари бўйича тадқиқотларни ташкил этишнинг 5 йўналишига асосланган: локализация, бошланиш, интенсивлик, кучайтириш ва сусайиш, патологик жараённинг давомийлиги (1-расм).

Шикоятларни йиғишда стоматолокка аввалги ташриф, текширилаётган одамнинг оғиз бўшлиғида ва тишларида ўтказилган тиббий муолажалар ҳам ҳисобга олинган. Оғриққа шикоятларни аниқлаш учун ишчига ушбу шикоятларни тўғри айтишга ёрдам берадиган саволнома ишлаб чиқилган.

Ушбу корхона ходимларида қайд этилган шикоятларни таҳлил қилиш беморларни асосий шикоятларидан бири - тиш оғриғи тавсифидан бошланган, натижалар 1-жадвалда келтирилган.



1-расм. Ишчилар стоматологик саломатлигини ўрганиш учун патологик жараённинг хусусиятлари бўйича тадқиқотни ташкил этишнинг асосий йўналишлари ва кетма-кетлиги.

Тадқиқотда тишлардаги оғриққа асосий гуруҳдан 219 (15,75±0,97%) бемор шикоят қилган бўлса, назорат гуруҳида 143 марта (11,00±0,94%, n=121) қайд этилган, бу асосий гуруҳдан ишонарли кам бўлган (p<0,05) (2-жадвал).

2-жадвал

“Навоиазот” АЖ ишчиларини тишларидаги оғриқларнинг учраш частотасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар натижалари

Оғриқ кўрсаткичлари		Асосий, n=1390		Назорат, n=1100	
		Мут	%	Мут	%
Оғриқлар тавсифи	Заиф	149	10,71±0,82	100	9,09±0,87
	Ўрта	56	4,02±0,52* ↑	21	1,90±0,40
	Кучли	14	1,0±0,26	0	0
Оғриқлар табиати	Симилловчи	196	14,10±0,93* ↑	108	9,81±0,89
	Ўткир	23	1,65±0,33	13	1,18±0,89
	Пулс уриб турувчи	0	0	0	0
	Доимий	0	0	0	0
Оғриқлар пайдо бўлиши	Кўзгатувчи таъсири остида	111	7,98±0,72* ↑	33	3,0±0,26
	Даврий	97	6,97±0,68	7,8	7,09±0,77
	Кўкисдан	11	0,75±0,22	10	0,90±0,28
Оғриқлар ўрни	Битта жой билан чегараланган	199	14,31±0,94* ↑	108	9,81±0,89
	Тарқоқ	20	1,43±0,32	13	1,18±0,32
	Иккита акс жойда	0	0	0	0
	Иррадиацияли	0	0	0	0
Оғриқлар давомийлиги	Дақиқалар	209	15,03±0,95* ↑	111	10,09±0,91
	Соатлар	10	0,71±0,22	10	0,90±0,28
	Доимий	0	0	0	0
Оғриқ куйидагилардан пайдо бўлади	Совуқ	111	7,98±0,72* ↑	20	1,81±0,40
	Иссиқ	14	1,0±0,26	21	1,90±0,40
	Ширинлик	94	6,76±0,67	80	7,27±0,78

Изоҳ: * - назорат гуруҳи параметрларига нисбатан сезиларли фарқлар; ↑ - ўзгаришлар йўналиши

Бундан ташқари, текширилаётган ходимларнинг стоматологик патологиялари билан боғлиқ бошқа шикоятларини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобланган. Натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Стоматологик патологиялари билан боғлиқ шикоятларни аниқлашнинг қиёсий параметрлари

Шикоятлар кўрсаткичлари		Асосий, n=1390		Назорат, n=1100	
		Мут.	%	Мут.	%
Қон кетиши	Милкдан	397	28,56±1,21* ↑	83	7,54±0,79
	Тишларни тозалашда	391	28,12±1,20* ↑	112	10,18±0,91
Патологик тишлар қимирлаши мавжудлиги		291	20,93±1,09* ↑	132	12,01±0,98
Оғиз бўшлиғида ноқулайликлар		103	7,41±0,70* ↑	23	2,09±0,42
Оғиздан ноҳуш ҳид келиши		106	7,62±0,71* ↑	36	3,27±0,53

Изоҳ: * - назорат гуруҳи параметрларига нисбатан сезиларли фарқлар; ↑ - ўзгаришлар йўналиши

3-жадвалдан кўриниб турибдики, барча ўрганилган параметрлар учун асосий гуруҳ маълумотлари назорат гуруҳи параметрларидан ишонарли даражада юқори бўлган ($p < 0,05$ - $p < 0,001$).

Бундан ташқари, асосий ва назорат гуруҳлар беморларида тиш патологиясининг конкрет белгиларини аниқлаш натижаларини қиёсий жиҳатдан тақдим этиши маъқул деб топилган, натижалар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

«Навоиозот» АЖ ишчиларида тиш патологиясининг конкрет белгиларини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари

Яққол белгилар	Асосий, n=1390		Назорат, n=1100	
	Мутл.	%	Мутл.	%
Диастемалар ва/ёки тремалар мавжудлиги	63	4,53±0,56* ↑	31	2,81±0,49
Милк гиперемияси ва шиши	223	16,04±0,98* ↑	79	7,18±0,77
Милк бўйинлари очилиб қолиши	231	16,61±0,99* ↑	53	4,81±0,64
Кариоз бўшлиқ мавжуд бўлиши	489	35,17±1,28* ↑	192	17,45±1,14
Олд тишлар едирилиши	122	8,77±0,75* ↑	66	6,0±0,71
Тишларда доғлар	59	4,24±0,54* ↑	20	1,81±0,40

Изох: * - назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарқлар; ↑ - ўзгаришлар йўналиши

Худди шу ишчиларда ОБШҚ билан боғлиқ касалликлар ҳам ўрганилган. Натижалар шуни кўрсатганки, ушбу патологиянинг тарқалиши паст бўлган, аммо таққосланган гуруҳлар ўртасида баъзи фарқлар мавжуд (5-жадвал).

Жадвалда келтирилган маълумотлар таҳлиliga кўра, ОБШҚ касалликларини аниқлаш фоизи таққосланган гуруҳларда фарқ қайд этилганини кўрсатган. Аниқланган нозологик бирликлар таҳлил қилинганда, улар барча 4 та касаллик билан бир-биридан фарқ қилган ва барча ҳолатларда кўрсаткичлар асосий гуруҳда сезиларли даражада юқори ($p < 0,05$ - $p < 0,001$) бўлган.

5-жадвал

Ишчиларда ОБШҚ касалликларини аниқлаш частотасининг қиёсий параметрлари

ОБШҚ касалликлари	Асосий, n=1390		Назорат, n=1100	
	Мутл.	%	Мутл.	%
Зарарланиш аломати йўқ	1160	83,45±0,99* ↓	1044	94,90±0,66
СРАС	86	6,18±0,64* ↑	26	2,36±0,45
Эксфолиатив хейлит	61	4,38±0,55* ↑	19	1,72±0,39
Дескваматоз глоссит	18	1,29±0,30* ↑	1	0,09±0,09
Кандидозли глоссит	57	4,10±0,53* ↑	8	0,72±0,24
Бошқа касалликлар	8	0,57±0,20* ↑	2	0,18±0,10

Изох: * - назорат гуруҳи параметрларига нисбатан сезиларли фарқлар; ↑ - ўзгаришлар йўналиши

Ушбу фактларни ҳисобга олган ҳолда, “Навоиазот” АЖ - кимё ишлаб чиқариш корхонасини сўровда қатнашган ишчиларида пародонт касалликлари частотаси асосий ва назорат гуруҳлари томонидан қиёсий жиҳатдан ўрганилган. Натижалар 6-жадвалда келтирилган.

6-жадвал

“Навоиазот” АЖ ишчиларида пародонт касалликларининг учраш частотаси қиёсий кўрсаткичлари

Пародонт касалликлари	Асосий, n=1390		Назорат, n=1100	
	Мут.	%	Мут.	%
Зарарланиш аломати йўқ	328	23,59±1,14* ↓	578	52,54±1,50
Гингивит	427	30,71±1,24* ↑	256	23,27±1,27
Пародонтит	603	43,38±1,33* ↑	243	22,09±1,25
Пародонтоз	32	2,30±0,40 ↔	23	2,09±0,42

Изоҳ: * - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан сезиларли фарқнинг белгиси; ўзгаришлар-↑ўзгаришлар йўналиши, ↔ - ўзгаришлар сезиларли фарқ йўқ


Таҳлил маълумотларига кўра, назорат гуруҳидаги текширилганларнинг пародонт зарарланиш аломатлари аниқланмаган, асосий гуруҳда эса бу кўрсаткич фарқ - 2,22 мартага тенг бўлган ($p<0,05$). Гингивит ва пародонтит назорат гуруҳига қараганда асосий гуруҳда сезиларли даражада юқори бўлгани аниқланган ($p<0,001$).

Тадқиқот давомида корхонанинг барча ходимларига стоматологик ёрдам кўрсатилиши, ходимларнинг мутахассисларга мурожаат қилишига қараб мунтазам равишда ушбу ёрдам кўрсатилиши аниқланган. Аммо бу стоматологик касалликларни камайтиришга ва ушбу корхона ходимларининг стоматологик соғлиғини мустаҳкамлашга имкон бермайди.

Ишланмалар асосида шундай алгоритм яратилган, лекин фақат кимё ишлаб чиқариш корхоналари учун қўлланилган (2-расм).

Таклиф этилаётган қоидалар “ишчи-стоматолог-рахбар” тизимига асос солган, бунда терапевтик ва ташҳислаш, профилактика чоралари ва уларга асосланган ҳулосаларни малакали амалга ошириш ходимлар ва маъмурият ўртасидаги низолар эҳтимолини камайтиришга имкон берган.

Шундай қилиб, ўрганилаётган корхонада стоматологик ёрдам кўрсатиш қоидалари ва унга асосланган алгоритмни ишлаб чиқиш нафақат терапевтик ва диагностик стоматологик ёрдамни оптималлаштириш ва унификация қилиш, балки ишчилар орасида бирламчи стоматологик профилактика тадбирларини оптимал тарзда ташкил этиш ва амалга ошириш имконини берган. Таклиф этилаётган янги “ходим-стоматолог-рахбар” тизими ходимларга стоматологик ёрдам кўрсатишнинг ташкилий, тиббий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларини ва “стоматолог-ходим” муносабатларининг ҳуқуқий асосларини ўз вақтида ҳал қилишга имкон берган.



2-расм. Корхонада стоматологик ёрдамни тартибга солиш алгоритмининг схемаси

Диссертациянинг “Навоiazот” АЖ ходимлари ўртасида стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифати ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш”, деб номланган тўртинчи боби кимё саноати ишчилари орасида стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифати ўртасидаги муносабатларни баҳолашга бағишланган.

Сўнгги йилларда аҳолининг стоматологик саломатлиги сифатини баҳолаш учун кўплаб анкеталар ва шкалалар ишлаб чиқилган. Oral Health Related Quality of Life (OHRQoL) сўровномаси Крессин Н. томонидан 1996 йилда тақлиф қилинган.

Ишчи аёллар (n=715) ва эркак ишчилар (n=675) томонидан берилган жавоблар таҳлил қилинганда, уларнинг ҳар бири учун натижалар баҳоланган, кейин ушбу натижалар ходимлар гуруҳига кўра умумлаштирилган ва таҳлил қилинган, ушбу таҳлил охирида тишларнинг ҳолати ва ҳаёт сифати ушбу корхонадаги иш стажига мувофиқ қиёсий ўрганилган (7-жадвал).

7-жадвал

ОHRQoL сўровномасидаги жавоблар асосида ишчилар ўртасида тиш касалликлари учун “хавф гуруҳи” ни тақсимлаш параметрлари

Саволларни тартиб рақамлари ва жавоблар		Ижобий жавоб кўрсаткичлари		Хавф гуруҳига киритилган ишчи аёллар кўрсаткичлари, мутлоқ/%
1	Тез тез	52	7,27±0,97	76 / 10,62±1,15
	Жуда тез тез	24	3,36±0,67	
2	Тез тез	79	11,04±1,17	117 / 16,36±1,58
	Жуда тез тез	38	5,31±0,83	
3	Тез тез	64	8,95±1,06	93 / 13,00±1,25
	Жуда тез тез	29	4,05±0,73	
4	Тез тез	43	6,01±0,88	66 / 9,23±1,08
	Жуда тез тез	23	3,21±0,65	
5	Тез тез	51	7,13±0,96	80 / 11,18±1,17
	Жуда тез тез	29	4,05±0,7	
6	Тез тез	35	4,89±0,80	54 / 7,55±0,98
	Жуда тез тез	19	2,65±0,60	
7	Тез тез	58	8,11±1,02	64 / 8,95±1,06
	Жуда тез тез	8	1,11±0,04	
8	Тез тез	64	8,95±1,06	100
	Жуда тез тез	36	5,03±0,81	
9	Тез тез	44	6,15±0,89	57 / 7,97±1,01
	Жуда тез тез	13	1,81±0,49	
10	Тез тез	49	6,85±0,94	72 / 10,06±1,12
	Жуда тез тез	23	3,21±0,65	

Иштирокчиларга “Оғизда, тишларда ва жағда қачон ноқулайлик ҳис қиласиз?”; “Тишлардаги муаммолар туфайли совук ва иссик ичимликларни ичишда қанчалик кўп қийинчиликларга дуч келасиз?”; “Тишларингиздаги муаммолар сабаб, рационингизда ноқулайчиликлар дуч келасизми?”; “Тишлардаги муаммоларингиз туфайли уйқунгиз бузилганми?”; “Тиш муаммолари натижасида сиз қанчалик таъсирчан бўласиз?”; “Тишлардаги муаммоларингиз сабаб, сиз бошқа одамлар билан мулоқот қилишга ёки табассум қилишга уяласизми?”; “Стоматологик касалликлар билан боғлиқ стоматологик муаммоларни кайфиятингизга, ёхуд оилангиз аъзоларини кайфиятига таъсири бўлганми?”; “Тишлардаги муаммолар туфайли ўзингизда ёки оила аъзоларингизда ҳеч айбдорлик ҳиссини ҳис қилганмисиз?”; “Стоматологик муаммолар оилавий бюджетингизга салбий таъсир кўрсатдимиз?” каби саволлар берилган ва жавоблар натижаси 6-жадвалда ўз ифодасини топган.

Ўзгартирилган ОHRQoL сўровномасидан фойдаланиб, ходимлар

орасида стоматологик саломатлик кўрсаткичлари аниқланган ва уларнинг ҳаёт сифати билан боғлиқлиги ўрганилган.

Шундай қилиб, стоматологик саломатлик бўйича сўровномада ишитирок этган барча ишчиларнинг 16,36% ида хавотирли ҳолат қайд этилган, ҳаёт сифати пасайган, стоматологик саломатлик ва уларнинг ҳаёт сифати ўртасидаги боғлиқлик ўрганилганда, “физиологик боғлиқлик” заиф ёки йўқ бўлган ва “патологик боғлиқлик” ўртача даражада кучли ёки кучли эканлиги аниқланган. Шунингдек, стоматологик саломатлик ва ҳаёт сифати пасайиши бўйича хавф гуруҳига киритилган ишчиларнинг реестри тузилган, кимё саноати ишлаб чиқариш корхонаси стоматологларига эса доимий мониторинг ва ўз вақтида даволаш бўйича тавсиялар берилган. “Хавф гуруҳлари”да ушбу тадбирлар туфайли ҳаёт сифатининг юқори даражасига эришилган, ўз навбатида улар меҳнат унумдорлигини оширган.

Диссертациянинг “Навоiazот” АЖ ишчиларида стоматологик касалликлар олдини олишни оптималлаштириш натижаларини таҳлил қилиш”, деб номланган бешинчи боби кимё саноати ишчиларида стоматологик касалликларнинг олдини олишни оптималлаштириш натижаларини таҳлил қилишга бағишланган.



3-расм. “Навоiazот” АЖ ишчилари орасида стоматологик касалликлар бирламчи профилактикаси бўйича тадбирларни тайёрлаш учун қарши кўрсатмалар жойлашиш схемаси


(КК ва КБК – касбий касалликлар ва касбга боғлиқ касалликлар)

Маълумки, турли юқумли ва соматик касалликлар, шу жумладан стоматологик патологияларнинг олдини олиш 3 гуруҳга бўлинади (ЖССТ, 2012): бирламчи, иккиламчи ва учинчи даражали профилактика.

“Навоiazот” АЖ ходимлари ўртасида касбий ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ касалликлар, шу жумладан стоматологик касалликларнинг бирламчи профилактикаси асосларини ишлаб чиқишда таклиф этилган ушбу тадбирнинг асосий тамойилларига риоя қилинган (3-расм).

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб

чиқаришнинг технологик жараёни, ишчилар иш ўрни ва улар томонидан хавфсизлик техникасига риоя қилишларини ўрганиш, бирламчи профилактика чораларини ишлаб чиқиш учун юқорида келтирилган қарши кўрсатмалар ҳамда “Навоiazот” АЖ корхонасининг молиявий ва меҳнат ресурсларидан келиб чиқиб, ходимларнинг стоматологик саломатлигини сақлашга асосланган стоматологик касалликлар бирламчи профилактикаси тамойиллари ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқиш жараёнида шунингдек, янги “ишчи-стоматолог-маъмурият” тизими ҳам ҳисобга олинган (4-расм).



4-расм. Стоматологик касалликлар бирламчи профилактикаси асосларининг “Навоiazот” АЖ корхонасининг техник, молиявий ва меҳнат ресурслари билан ўзаро боғлиқлиги схемаси.

